

СПИТАМЕН ЖАСОРАТИ – МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

Ҳақлиев В.Б.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей катта
ўқитувчиси, т.ф.н., доцент

Аннотация: Уишибу мақолада ўзбек халқининг мард, жасур ва қўрқмас фарзандлари мустақил, озод яшаши таъминлашга қўшган ҳиссаси ва Спитаменнинг душманларга қарши мардоновар қурашининг аҳамияти ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: муқаддас замин, буюк аждодлар, Ватан эрки ва озодлиги, мислсиз қаҳрамонлик, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, мангаликка дахлдор, алп ўғлон, жасур ва мард, енгилмас ўғлон.

Тарихий тараққиётда ўзбек халқининг мард, жасур ва қўрқмас фарзандлари мустақил, озод яшаши таъминлашга катта ҳисса қўшгани билан фахрланамиз ва аждодлар анъанасини юрт тинчлигимизни таъминлаш билан давом эттирамиз. Бунинг учун осойишта ҳаётни барпо этиш учун юртни севиш ва уни кўз қорачифидек асрар керак. Шунинг учун ҳам Президент Шавкат Мирзиёев «Бугунги кунда ҳар биримиз амалда Ватан химоячиси бўлишимиз, ёшлишимизни ҳам шу руҳда камол топтиришимиз зарур»⁸, — деб бежиз таъкидмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, муқаддас заминимизда улғайиб, вояга етган буюк аждодларимиз Ватан эрки ва озодлиги йўлида қўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари билан инсониятни ҳануз лол қолдириб келмоқдалар. Она Ватанимиз тарихига назар ташласак, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Темур Малик, Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби номлари мангаликка дахлдор шахсларни қўрамиз. Жумладан, буларга қадим тарихимиз шоҳид бўлади. Эрамиздан олдинги 329 йилда Искандар Зулқарнайн мамлакатимизга қўшин тортиб, бостириб кирганида юртимизнинг алп ўғлони Спитаменнинг қаршилигига дуч келган. Унга кучи етмагач, тенгсиз мол-дунё ҳадя этишини айтганида Спитамен: "Сенинг беҳисоб бойлигиндан халқимнинг мустақиллиги афзал", - дейди ва қурашни давом эттиради. Спитамен жасур ва мард, ўз элининг енгилмас ўғлони сифатида тарихнинг олтин зарварақларидан жой олгани ҳам бежиз эмас. Спитамен енгилмади, у фақат ёвузлик, сотқинлик қурбони бўлди.⁹

Она юртимизнинг жаннатмаконлиги жаҳондаги мамлакатларни ўзига чорлаб турган. Айниқса, Александр Македонскийга Бактрия ва Сүғдиёнани забт этиш катта қийинчиликлар туғдирди. Шарқнинг сиёсий ва маданий марказлари бўлмиш Бобил, Миср, Экбатан кабилар жаҳонгирга жанг сиз таслим бўлсалар-да Марказий Осиёнинг

⁸ <https://president.uz/uz/lists/view/6967>

⁹ "Vaziyat" № 34-35 (819-820) 2021 yil 30 avgust

эркесвар халқлари мустақиллик, озодлик учун босқинчиларга қарши умумхалқ курашига отландилар. Ахамонийлар армияси билан Александр уч марта юзма-юз жанг қилиб, осонлик билан ғолиб чиқди, лекин Марказий Осиёдаги умумхалқ урушида енгиш осон бўлмади, айниқса Сугдиёнада босқинчилар катта талофат кўрдилар ва жуда қийналдилар. Бу қийинчиликлар ҳақида Элиан (II — III аср) қуйидагиларни ёзган: "Бесснинг кетидан қувган Александр лашкарлари катта мешақатларга йўлиқадилар, озиқ-овқат етишмайди, хатто барча ҳайвонлари гўшти билан тамадди қиласди. Ёқилғи ҳам йўқ бўлгани учун гўштни хомлигича ейдилар... Бактрианада бир қишлоққа йўлиқадилар, лекин у уйларни қор босган эди, факат қорни тозалабгина уйларга кира оладилар". Антик муаллифларининг хабарларига кўра Марказий Осиёда мустаҳкам истеҳкомларга эга бўлган шаҳарлар (Бактрия, Кирополь, Мараканда сингари) бўлган.¹⁰

Текин бойлик орзусидаги душманлар асрлар оша юртимиз хазинасини эгаллашга, талашга ҳаракат қилган. Бобо ва момоларимиз уларга қарши турган. Биз қўйида Спитаменнинг жасорати ҳақида тўхталамиз.

Спитамен Суғдиёна¹¹ да Ватан озодлиги йўлида Александр (Искандар) га қарши қўтарилиган халқ кўзғолони раҳбарири. Ёзувчи В. В. Яннинг ёзишича, Спитаменнинг онаси - суғд, отаси - сак қабиласига мансуб аслзода хонадондан бўлган.

Спитамен ёшлигига абжир, чаққон йигит бўлиб ўсган. Отда чопиш, камон отиш, қиличбозликда унга ҳеч ким тенглаша олмаган.

Спитаменнинг Суғдиёна ва Бақтриядада Александр бошчилигидаги юонон-македон истилочиларига қарши озодлик ҳаракати (мил. ав. 329-327 йиллар) раҳбари бўлиб, кўзғолон мил.ав. 329 йил кузида бошланган. Спитамен бошчилигидаги кўзғолончилар Мароканда (Самарқанд)даги юонон-македон гарнizonини қириб ташлаб шаҳарни эгаллайдилар. Александр уларга қарши Фарнух бошчилигига 3 минг пиёда ва 800 отлик қўшин жўнатган, Спитамен Политимет (Зарафшон)нинг қўйи оқимиидаги ерларга чекинишга мажбур бўлган. У ерда кўчманчиларнинг отлик қўшинлари билан бирлашиб яна хужумга ўтади. Тўсатдан қилинган хужум натижасида юонон-македон қўшинининг катта қисми қириб ташланган, қолган қутганлари эса шаҳар қалъасига яширинган.

Кейин Спитамен яна Марокандани қамал қилган. Александр Македонский Спитаменга қарши Андромах, Менедем ва Карап бошчилигига отлик ва пиёда қўшин юборган. Спитамен бундан хабар топиб ўрмон орасидан ўтадиган йўлга пистирма қўйиб, уларга тўсатдан хужум қилган. У мазкур жангда ўзгача ҳарбий усул қўллаган. Ҳар бир отга 2 тадан жангчи миндирилган. Улар душманга 2 томондан зарба берар, бири найза, қилич ёки камон билан ҳамла қилса, 2-си тош билан уриб, ёвнинг бошини мажақлар эди. Бу жангда душман катта талафот қўрган. Шундан

¹⁰ Фозила Сулаймонова Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари) Т., 1997.

¹¹ Зарафшон водийси ва Қашқадарё воҳасининг қадимий худуди.

кейин Спитаменга қарши Александр асосий кучлари билан отланган, Спитамен чўл ичкарисига чекинган.

Александр уни таъкиб этмаган, лекин Зарафшон воҳасининг тинч аҳолисидан қаттиқ ўч олган (120 минг киши қириб ташланган), шаҳар, қишлоқларни вайрон қилган, экинлар, боғларни ёндирган. Александр Суғдиёнадаги бир неча қалъа ва пойтахт Марокандада катта қўшин қолдириб, ўзи қолган кучлари билан қишлоғни ўтказиш учун Бақтрия (баъзи маълумотларда — Навтака)га қайтган.

Мил. авв. 328 йил баҳорида қўзғолоннинг 2-босқичи бошланган. Кўплаб суғдийлар турли қалъаларда тўпланиб юонон-македон ҳокимларини тан олмаганлар. Бу даврда Суғдиёна қўзғолоннинг ўчоғи бўлган. Спитамен Александрнинг йўқлигидан фойдаланиб рақибининг орқа томонидан айланиб ўтиб, 600 отлиқ билан Бақтрияда юононларга қақшатқич зарбалар бериб турган. Юононлар лашкарбошиси Кен¹² Спитаменга қарши чиқиб, уни даштга чекинишга мажбур қилган, Спитамен Зарафшоннинг кўйи оқими бўйларига кетган. Мил. ав. 328 йилнинг кузида Спитамен бу ердаги қалъалардан бирини эгаллаб, 3 минг отлиқ билан Суғдиёна пойтахти томон юрган. Юононлар бутун кучларини унга қарши ташлайдилар, жангда қўзғолончилар мағлубиятга учрайдилар.

Аррианнинг¹³ ёзишича, қўзғолончиларга қўшилган кўчманчи массагет қабилалари раҳбарлари Александрнинг чўл ичкарисига юриш қилишидан хавотирланиб Спитаменни ўлдириб, бошини Александрга юборганлар.

Суғдий ва бақтриялик зодагонларнинг бир қисми Спитаменга хиёнат қилиб истилочилар томонига ўтиб кетганлар. Мил. ав. 328 йил охирида Спитамен хоинона ўлдирилган. Айрим тарихчилар уни Александр хужумидан қўрқсан массагетлар ўлдирган деб ҳисоблайдилар. Баъзи маълумотларга қараганда, Спитаменни ўз хотини ўлдириб, бошини Александр хузурига келтирган, бироқ Искандар уни ўта совуқ кутиб олган.

Спитаменнинг ҳалокати ҳақида икки хил ҳикоя бор. Қадимийси ва ҳақиқатга яқини Аррианда: "Скиф-массагетлар енгилганларидан сўнг ўzlари билан бирга иттифоқ бўлиб душманга қарши жанг қилган бақтрияликлар ва суғдлар юкларини талайдилар ва қочадилар, Спитамен ҳам улар билан кетади. Уларга "Александр даштга ҳужум бошлар эмиш", деган хабар етгач, Спитаменнинг бошини танасидан жудо қилиб шоҳга юборадилар ва шу йўсинда Александрнинг ҳужумини олдини олмоқчи бўладилар"¹⁴

Шуларга қарамай, Спитамен қўзғолони тугамаган, унинг 3-босқичи бошланган. Шу туфайли Александр мил. ав. 328—327 йиллар қишлоғини Суғдда ўтказишга

¹² Кен (юн. Коинос) — Македония ҳарбий бошлиғи, Парменионнинг куёви, милоддан аввалги 370-йилларда туғилган, милоддан аввалги 326 йилда вафот этган.

¹³ Арриан (Аррианос) Флавий (таксминан 95—175-йиллар ўртаси) — Рим тарихчиси ва ёзувчиси.

¹⁴ Фозила Сулаймонова Шарқ ва Ғарб (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари) Т., 1997.

мажбур бўлган. Кўзғолончилар тоғ қалъаларида курашни давом эттирганлар. Ҳозирги тадқиқотларга кўра, улар жанубий-шарқий ҳудудларда жойлашган.

Александр маҳаллий ахоли қаршилигини куч билан енга олмаслигига ишонгач, уларга яқинлашишга қаракат қилган, уларга нисбатан сиёсатини ўзгартирган. Тоғли ҳудудлардаги қўзғолон бошликлари Оксиарт, Сисимитр, Хориен кабиларни афв этиб, мол-мулкини қайтариб берган. Оксиартнинг қизи Равшанакка уйланган. Маҳаллий зодагонларнинг аксарияти Александр ҳокимиятини тан олиб унинг хизматига ўтиб кетишган. Мил. ав. 327 йил охирида Суғдиёна Александр томонидан батамом эгалланиб, қўзғолон бостирилган.

Спитаменning қизи Апана Салавк I га берилган, бу никоҳдан салавкийларнинг машҳур хукмдори Антиох туғилган. Таниқли қадимшунос олим Амриддин Бердимуродовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2006 йил 12 май сонида босилган “Спитамен қизининг қисмати ёхуд маъбудага айланган асира” сарлавҳали тадқиқот мақоласи: “Эрамиздан олдинги 329-йили юнон фотиҳи Искандар Мақдуний Туронга қўшин тортиб келганда унга қарши мардонавор жанг қилган сўғд баҳодири Спитамен жасоратини билмаганлар кам”, деган жумла билан бошланган эди. Мақолада Спитаменning юнонлар қўлига асира бўлиб тушган гўзал қизи Апамоҳнинг лашкарбоши Салавкка узатилиши, улар никоҳидан туғилган Антиох I Сотер иқтидорли лашкарбоши ва тадбиркор хукмдор бўлиб етишгани, эрадан олдинги 281-йили отаси ҳалок бўлгач, тахтга чиққани, унинг фармони билан Туронда катта шаҳар қурилиб, Антиох номи берилгани ҳақида сўз борганди. Малика Апамоҳ Селевк ва Антиохлар салтанатида қўплаб маданий тадбирларга бошчилик қилган.¹⁵

Милоддан аввалги 329–327 йилларда Александр Македонский бошчилигидаги юнон-македон босқинчилари жасур ва мард аждодимиз Спитаменning жиддий қаршилигига учраган.

Спитаменning номи асрлар оша яшаб мардлик ва жасорат тимсоли сифатида авлодларга руҳий мадад бериб келган. Спитамен ҳақида қўплаб бадиий (В. Яннинг «Кўрғон узра оловлар», Я. Илёсовнинг «Суғдиёна», М. Қориевнинг «Суғд қоплони» романлари), тасвирий асарлар яратилган.

Жамиятимизда ватанпарвар ва фидойи инсонлар қанчалик қўп бўлса, янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадимизга эришиш йўлида барча иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда шунча қўп туб ўзгаришлар рўй беради. Чунки ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган.

¹⁵ Амриддин Бердимуродовнинг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2006 йил 12 май сонида босилган “Спитамен қизининг қисмати ёхуд маъбудага айланган асира” сарлавҳали тадқиқот мақоласидан